

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Абай вилояти ҳудудида рўй берган ўрмон ёнғини оқибатида инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ва қардош Қозоғистон халқига чуқур ҳамдардлик ва далда сўзларини изҳор этди. Табиий офатга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.


Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги

якши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Савдо, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗ



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТАВСИЯЛАРИНИ БАЖАРИШ

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Мамлакатимизда 2019 ва 2021 йилларда бўлиб ўтган Парламент ва Президент сайловлари ҳамда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдуми миллий давлатчилигимиз йўлида муҳим сиёсий аҳамият касб этди. Жумладан, янги тахрирда қабул қилинган Конституцияимизнинг XXII боби сайлов тизимига бағишланиб, унга фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш бўйича умумэтироф этилган халқаро принциплар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда муҳим янги нормалар киритилди.

Давоми 2-бетда

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Бу йил ёз фасли нисбатан иссиқ келмоқда. Хусусан, июннинг биринчи декадасида кузатилаётган юқори ҳарорат тафтини ақсариётимиз ўз танамизда ҳис қилиб турибмиз. Табиийки, бундай шароитда ишда ҳам, уйда ҳам кондиционер, вентилятор каби ҳаво ҳароратини муътадиллаштирувчи техник воситалардан фойдаланамиз. Бу эса, ўз навбатида, электр энергиясига юкломани оширади. Ҳисоб-китобларга кўра, айти иссиқ кунларда электр энергиясига кунлик талаб бир ой аввалги 195 миллион киловатт-соатдан 255 миллион киловатт-соатга етиши мумкин.

ҚУЁШ ТАФТИ, ШАМОЛ ШАШТИ, ДАРЁЛАР ШИДДАТИ

Жиловланаётган табиат инъомлари

Гап аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, умуман, тизим барқарорлиги, унга талабнинг ортishi ҳақида борар экан, буни фақат об-ҳавонинг кескин исиб ёки совиб кетиши билан боғлаш нотўғри бўлади. Бинобарин, юртимизда аҳоли сони ортishi, минглаб йирик янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши ҳисобига сўнгги беш йилда электр энергияси истеъмоли 20 фоизга, жумладан, аҳоли томонидан сарфланиши 31 фоизга ортган. Мамлакатимизда кечаётган шиддатли ислохотлар самараси ўлароқ, истеъмол кўрсаткичи йилига 6 фоиздан ўсиб бормоқда.

Давоми 4-бетда



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЭНДИ ОЛИСГА ҚАТНАБ САРСОН БЎЛИШ ЙЎҚ

Тиббиётга қаратилаётган эътибор самараси бугун нафақат марказда, балки олис ҳудудларда ҳам сезилмоқда. Вақтида қайсидир касалликка даво истаб узоқ манзилларга бориш, ҳафта-ўн кунлаб вақт йўқотилган сарсонгарчиликлар барҳам топаётганини одамлар кундалик турмушида ҳис қилмоқда.

Давоми 5-бетда



ТАЪЛИМ СИФАТИ

ТАМАДДУН ҲОДИСАЛАРИГА ЭЛТУВЧИ ОДИМЛАР

Юртимизда Учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқиши айнан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, олий таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини кўпайтириш, ихтисослашув соҳаларини кенгайтириш, ёшларнинг олий таълим билан қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар айти шу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим одим саналади. Бу йўналишда қабул қилинаётган қарор ва фармонлар хотин-қизларнинг олий таълим муассасаларида билим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, гендер тенглик тамойиллари устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Давоми 5-бетда



2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонидa Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятовнинг сайловолди ташвиқотига доир мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Италия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ва Италия кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга. Икки давлат ўртасида бир неча йиллардан буюн давом этиб келаётган дўстона муносабатлар сўнгги йилларда мутлақо янги босқичга чиқди. Сиёсат, хавфсизлик, иқтисодий, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли равишда фаоллашди.



Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил Ўзбекистон мустақиллиги тан олингани ва Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси очилганидан бошлаб йўлга қўйилган. Утган 31 йил

давомида ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорлик учун мустақам пойдевор яратилди, ишончли сиёсий мулоқот ўрнатилди.

Давоми 2-бетда

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”

МАШАҚҚАТДА ТОБЛАНГАН ИРОДА

бошқаларга намуна ва мактабдир

Азизанинг боқувчиси йўқ, ёлғиз фарзандини тарбиялайди. Иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолгач, бундан уч йил олдин “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Шундан бошлаб давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга қандай имтиёз, кўмак берилаётган бўлса, у ҳам ҳеч биридан четда қолмади. Мутасаддилар кўмагида аёл 2021 йилда оилавий тадбиркорликни бошлаш учун Халқ банкининг туман филиалидан кам фоизли кредит олди. Бу пулга мўъжазгина иссиқхона қурдирди.

Давоми 5-бетда

СИЙРАТ

Навоий даҳосини идрок этиш

ВА ТҮЙИШ САРИ ЙЎЛ

ёхуд ўттиз китоб — ўттиз қуш



“Алишер Навоий шеърятда рамзий рақамлар талқини” рисола...

зулар етакчилик қилар эди. Бугун эса улуг шоирнинг барча асарлари бутун...

Алишер Навоий охириги йирик шеърый асари бўлган “Лисон ут-тайр” дostonида Семург барча қушларнинг подшохи экани...

дий академия, Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида чоп этилган ўттиз жилди нашр турибди...

мансуб (“Буюк бешлик сабоқлари”) монографиялардан таркиб топган.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ, адабиётшунос олим

Алишер Навоий — туркий сўз санъати подшохи, сўз ошиқлари учун идеал олим, ўзбек адабиётининг Семурги, Анқоси, Хумосидир...

хитобан, “тирик бўлсанг, кўксингга Ленин орденини кўярдиқ тақиб”, дея уни “алқаган” ҳам эди.

Истиклол арафасида ва унинг дастлабки йилларида фаолият кўрсатган навоийшуносларга осон бўлмади — совет мафкураси даврида...



Бу ўттиз жилднинг ҳар биридаги илмий асарлар номи ва муаллифлар исми борма-бир таъвил этакерасак, ёзиб биз чарчаймиз, ўқиб кирган — энг ўртада бўлган 15-жилдаги муаллифининг асари қиритилган бўлиб...

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Кичкина тарихий тангадаги 30 та сўз ва бошқа қадимий артефактлар (инсон ижодий фаолият махсулотлари ва улардаги ёзув, белги ва рамзлар) нимани англатади?

ҚАДИМИЙ АРТЕФАКТЛАР ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛМОҚДА?

“Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпلامларида туркумидаги ноёб, энг нодир экспонатлар тасвирланган китобни яратиш устида ишлаяпти. Китоб олтига бўлинадан иборат бўлиб, унда музейда сақланаётган археологик, нумизматик, баддий-хунармандлик коллекциялари, қўлё-

ма мероси, тасвирий санъат дурдоналари ҳақида батафсил сўз юритилган. Ўқувчилар ушбу қадимий артефактлар тарихини ўрганиш ва уларнинг расмларини томоша қилиш имкониятига эга бўлади.

Археологик тадқиқотлар бизнинг ҳудудимиз антропогенез марказлардан бири экани, бу манзилда одамзод кузда қадимдан яшаб келаётганини дадил тахмин қилиш имкони беради.



— Бу қорахонийлар тангаси, юпка ва текис. Қорахонийлар даврида иқтисодий инқироз авж олган, металл қиммат ва танқис эди, — дея изоҳлайди музей илмий ходими Авазбек Позилжонов. — Аммо шунга қарамай, усталар битта тангага 30 таганча сўз зарб қила олган. Бу сўзлар Қуръондан олинган сурага оид бўлиб, одамлар Муҳаммад (с.а.в) ўғитларини доим ёдда сақлаши учун шундай қилинган.



Бундан ташқари, мазкур китобдан Андижон вилояти ҳудудида қулоччиликнинг ривожланиши, темир ишлаб чиқариш ва металлга ишлов бериш тарихи, тикувчилик ва гиламдўзлик ривожини, ёғоч ўймакорлиги ва манзарали нақошлик, миллий каштачилик, хаттотлик ва миллий кийим-кечак санъати турлари ҳам ўрин олган.

Тўхталиб ўти. Унинг сўзларига қўра, музейнинг нумизматик, қўлёзма фондларининг энг нодир экспонатлари, баддий ва хунармандлик коллекцияларини нашр этиш режалаштирилган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуриндаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзода Гафоров